

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БАРАКАЕВ ОТАБЕК ОТАҚУЛОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА АУДИТ ВА
АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УДК: 657.6:005.35(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Баракаев Отабек Отакулович

Замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик ҳисоботини
такомиллаштириш йўналишлари3

Баракаев Отабек Отакулович

Направления совершенствования аудита и аудиторской отчетности
в современной системе корпоративного управления.....27

Barakaev Otabek Otakulovich

Directions for improving audit and audit reporting in the contemporary corporate
governance.51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БАРАКАЕВ ОТАБЕК ОТАҚУЛОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА АУДИТ ВА
АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt516 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Акрам Аббасович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги йилларда содир бўлган молиявий инқирозлар ҳамда коронавирус пандемияси натижасида инвесторларнинг молиявий ва корпоратив ҳисоботларга ишончи кескин даражада пасайиши аудиторлик касби нуфузига салбий таъсир кўрсатди ва у кўплаб қийинчиликларга дуч кела бошлади. Молиявий инқирозлардан аудиторлик хизматлари бозорида «глобал миқёсидаги мижозларга хизмат кўрсатадиган йирик аудиторлик ташкилотлари сони ўтган асрнинг 80 йилларида «катта саккизлик «Big-8»дан асримиз бошига келиб «катта тўртлик «Big-4»гача қисқарди»¹, Covid-19 пандемиясидан «аудиторлик ташкилотларининг 53 фоизида мижозларга хизмат кўрсатиш ишларини яқунлашда босим ўтказилган ва 36 фоизида аудиторлик хулосаларининг топшириш муддатларини бажара олмаслик муаммоси юзага келган»². Шу жумладан «корпоратив бошқарув амалиёти, замонавий технология ва дунё бўйлаб бизнес амалиётининг феноменал ўзгариши бу молиявий маълумотларнинг ўз вақтидалилиги муҳим масала»³ эканини белгилаб берди.

Жаҳон амалиётида корпоратив ҳисобдорликнинг ривожланиши натижасида аудитнинг вазифаси тубдан ўзгариб, ташқи ва ички аудит, аудит қўмитасини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини оширадиган «аудит учлик»ни амалга ошириш заруратини кўрсатиб берди. Шу сабабдан тадқиқотчилар томонидан корпоратив бошқарув тизимида алоҳида ҳоллардагина ички аудит, аудит қўмитаси ҳамда ташқи аудит борасида илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бироқ корпоратив бошқарувнинг «уч оёқли воситаси» сифатида корпоратив назоратни таъминлайдиган ташқи ва ички аудит ҳамда аудит қўмитасининг ўзаро самарали муносабатлари ҳамда аудит хизматларини халқаро стандартлар асосида амалга ошириш яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида аудиторлик ташкилотларининг рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда капитал бозорда қарорлар қабул қилинишини янада жадаллаштириш ва «ахборот асимметрия»сини⁴ камайтириш, аудиторлик хулосаларини ўз вақтида тақдим этиш билан боғлиқ муҳим масалалари ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда глобаллашув шароитида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш, жаҳон молия бозорига интеграциялашувини тезлаштириш ва капитал бозорини ҳамда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, замонавий корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш энг муҳим устувор вазифалардан ҳисобланиб,

¹ Globalization of Auditing, Routledge Companion to Auditing, edited by David Hay, W. Robert Knechel and Marleen Willekens, 2013, Elizabeth Carson, University of New South Wales.

² https://www.accaglobal.com/gb/en/professional-insights/global-economics/Covid-19_A-Global-Survey.html.

³ Afify H.A. Determinants of audit report lag: Does implementing corporate governance have any impact? Empirical evidence from Egypt. Journal of Applied Accounting Research, 10(1), 2009. p.56-86.

⁴ «Ассиметрик ахборот»-ишониб топширувчи мулкдор (principal) ва ишониб топширилган агент (agent)нинг корхона фаолияти ҳақида турли хилдаги ва ҳажмдаги ахборотга эга бўлиши.

бунда «аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас; ... аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;... аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас...»⁵ лиги каби қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Булар «хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти... аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда»⁶. Мазкур масалаларни ҳал этишда аудиторлик фаолиятини замонавий тенденцияларга мувофиқлигини таъминлаш, аудитнинг халқаро стандартлари ҳуқуқий мақомини қонун даражасида белгилаш ва уни жорий этиш орқали аудитни халқаро миқёсда унификациялашни таъминлаш, аудиторлик текширувудан ўтадиган корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимини жорий этиш, «коронавирус пандемияси даврида»⁷ молиявий ахборотни ўз вақтида эълон қилиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида», 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПҚ-5978-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик хулосасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган хорижлик олимлар A.Arens, M.Beasley, R.Elder, P.Адамс, М.Бенис, Р.Додж, Д.Р.Кармайкл, Ж.А.Кеворкова, Д.С.Робертсон, В.Д.Андреев, Н.Н.Белуха, С.М.Бычкова, О.А.Миронова, М.А.Азарская, В.И.Подольский, А.А.Савин, Л.В.Сотникова, О.Е.Терехова, Е.С.Федотова В.П.Суйц, А.А.Терехов, А.Д.Шеремет⁸ ва бошқаларнинг илмий ишларида бу масаланинг айрим жиҳатлари ўз ечимини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, С.У.Меҳмонов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тўлаҳўжаева, Б.А.Ҳасанов, Б.Қ.Ҳамдамов, И.Н.Кўзиёв⁹ ва ёш иқтисодчи олимлардан А.З.Авлоқулов,

⁸ Arens, A., Elder, R. & Beasley, M., Auditing and Assurance Services, 14th ed., 2012, Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015.-398с.; Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие С.А.Стукова.- М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992. -240с.; Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. -М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.; Международные стандарты аудита/ Ж.А.Кеворкова. -М.: Юрайт, 2014.-458с.; Робертсон Дж. «Аудит». Пер. с англ. – М.: КPMG Аудиторская фирма «Контакт», 2009; Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учебник. – М.: «Финансы и статистика», 2003.; Суйц В.П., Ситникова В.А. Аудит. – М.: КноРус, 2012. – с. 87.; Белуха Н.Т. Аудит. Учебник «Знания», КОО, 2000.-769 с; Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. –СПБ.: Лань, 2000.-320с.; О.А.Миронова, М.А.Азарская Аудит: теория и методология: учебн.пособие. М.: Омега-Л, 2005,-176с.; Подольский В.И., Савин А.А., Сотникова Л.В. Аудит: Учебник для вузов /В.И. Подольский, А.А. Савин, Л.В. Сотникова и др.; Под ред. проф. В.И. Подольского. – 3-е изд., перераб. и доп. — М., 2006. -583 с.; Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. –М.: Финансы и статистика, 2001. -560 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.; Терехова О.Е. Внутренний аудит как инструмент мониторинга и оценки контрольной среды предприятия. Автореф. дис... канд.экон.наук. – М., 2009. – 208 с.; Федотова Е.С. Внутренний аудит как инструмент эффективного управления предприятием. Автореф. дис... канд.экон.наук. – Саратов, 2009. – 191 с.

⁹ Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07: и.ф.д... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - Т.: 2016. -76 б.; Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий баркарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2015. -260 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2006. -262 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. дис.автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2005. – 40 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2018. -77 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: Дис. ... и.ф.д. - С.: 2001. -323 б.; Тўлаҳўжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -193 б.; Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубий: Монография. – Т.: Молия, 2003. -248 б.; Ҳамдамов Б.Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Дис.... и.ф.д. - Т.: 2007. -260 б.; Кўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш : 08.00.08: и.ф.н., дисс. автореферати/ Ўз Рес Банк-молия академияси. - Т., 2017. -76 б.

Н.Ш.Абдиева, А.Н.Тўраевлар¹⁰ илмий асарларида корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг илмий-услубий ҳамда амалий жиҳатлари қисман ўз аксини топган.

Корпоратив бошқарув тизимида аудит, ички аудит ва аудит кўмитаси ҳамда аудиторлик ҳисоботи аҳамиятининг ўзига хос жиҳатлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик, уларни такомиллаштириш йўналишлари, Ўзбекистон Республикасида аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш ва жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ушбу соҳа олимлари томонидан яхлит тарзда тадқиқ қилинмаганлиги мазкур диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № АМ-ФЗ-20190813110 «Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартлари асосида инновацион аудит хизматларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик ҳисоботини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аудиторлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда аудиторлик фаолияти тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик фаолиятини аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик хизматларининг аҳамиятини ошириш ҳамда аудиторлик фаолиятига доир тушунчаларнинг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит кўмитасини жорий этиш заруратини аниқлаш ҳамда унинг янги функция ва вазифаларини белгилаш;

корпоратив бошқарув тизимида ички аудит ва аудиторлик хулосаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик текширувларини самарали ташкил этишни ва аудиторлик хулосасининг тақдим қилиш муддатларини қисқартиришни эконометрик моделлаштириш орқали баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш;

аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш ва турдош хизматлари таркибини кенгайтириш бўйича тавсияларни ҳамда мажбурий аудитнинг ўзига хос талабларини ишлаб чиқиш;

¹⁰ Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (Dsc) дисс.автореферати/Тошкент молия институти.-Т.: 2019.-72 б.; Абдиева Н.Ш. Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимида ички аудитни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик дисс.: -Т.: 2018.-179 б.; Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш. И.ф.д. (Dsc) дисс.автореферати/Тошкент молия институти.-Т.: 2020.-64 б.

аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аудиторлик ташкилотлари фаолияти ва акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик ҳисоботини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, индукция, дедукция, иқтисодий таҳлил, синтез, иқтисодий–математик моделлаштириш ва статистик, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«аудиторлик текшируви» ва «аудиторлик хулосаси» тушунчаларига ишончлилик мезонини киритиш асосида такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

аудиторлик фаолиятига сифат назорати, таҳлилий текширувлар, ишончни таъминлайдиган топшириқлар, турдош хизматларни киритиш асосида аудитнинг халқаро меъёрларига мувофиқлаштирилган;

корпоратив бошқарув тизимида аудит қўмитаси ҳамда ички аудитни ташқи аудит билан аҳамиятли боғлиқлик даражасини бир фоизгача бўлишини таъминлаш асосида аудиторлик фаолияти самарадорлигини 2,5 баробарга ошириш асосланган;

аудит қўмитасини ташкил этиш орқали замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик фаолияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корпоратив бошқарувнинг назорат функцияси ва аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган янги таърифи ишлаб чиқилган;

аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида аудитни халқаро даражада унификациялаш таклиф этилган;

тафтиш комиссиясини тугатиш ва унинг асосий вазифаларини ташқи аудит ва аудит қўмитасига ўтказиш ҳамда аудит қўмитасининг янги вазифа ва функцияларини белгилаш орқали замонавий корпоратив бошқарувнинг намунавий ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган;

корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини оширишда ахборотнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида унинг муҳим принциплари ва янги вазифалари таклиф этилган;

корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига аниқлик киритилган;

аудиторлик ташкилотлари фаолияти қўламини кенгайтириш мақсадида аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари таркиби кенгайтирилган;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган ўзига хос талаблар ишлаб чиқилган;

молиявий ахборотнинг капитал бозорига таъсир этиш механизминини шакллантиришда ички аудит хизмати каби корпоратив бошқарувнинг назорат органларида аудиторлик хулосаларини тақдим этиш муддатларини

қисқартириш ва уни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

пандемия шароитида «Аудит» дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш (www.audit.mf.uz) асосида аудиторлик ташкилотлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш ва уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, илғор хориж тажрибаси ўрганилганлиги ҳамда умумлаштирилгани, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба – синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишончлилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончлилик талабларига жавоб бериши, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий статистик маълумотлари ҳамда Республикадаги аудиторлик ташкилотлари ҳамда корпоратив бошқарув мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик ҳисоботи назарий ва ташкилий–услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни бажаришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришда, аудиторлик ташкилотларини корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлган акциядорлик корхоналарида аудит қўмитаси ва ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштиришда, аудиторлик хулосаларини тақдим этиш муддатларини қисқартириш ва уни расмийлаштиришни соддалаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик ҳисоботини такомиллаштириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«аудиторлик текшируви» ва «аудиторлик хулосаси» тушунчаларига ишончлилик мезонини киритиш асосида ишлаб чиқилган такомиллашган муаллифлик таърифи Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 18 январдаги 04/1-61-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 январдаги 06/17-02-35/10-23-сон ва 2020 йил 30 октябрдаги 06/17-03-37/418-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аудиторлик текширувларининг самарали ўтказилиши ҳамда ишончли аудиторлик хулосаларини тузиш имконини берган;

аудиторлик фаолиятига сифат назорати, таҳлилий текширувлар, ишончи таъминлайдиган топшириқлар, турдош хизматларни киритиш асосида аудитнинг халқаро меъёрларига мувофиқлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ 677-сон Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 январдаги 06/17-02-35/10-23-сон ва 2020 йил 30 октябрдаги 06/17-03-37/418-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 18 январдаги 04/1-61-сон маълумотномалари). Натижада, аудиторлик фаолиятининг умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мосланиши, аудиторлик хизматлари сифатининг ошиши ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончи ҳамда молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини таъминланган;

корпоратив бошқарув тизимида аудит қўмитаси ҳамда ички аудитни ташқи аудит билан аҳамиятли боғлиқлик даражасини бир фоизгача бўлишини таъминлаш асосида аудиторлик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 январдаги 06/17-02-35/10-23-сон ва 2020 йил 30 октябрдаги 06/17-03-37/418-сон маълумотномалари). Натижада, корпоратив назоратни кучайиши туфайли улар ўртасида ишончли ва шаффоф ахборот билан таъминланишга ҳамда корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик хизматларининг аҳамиятини ошишига олиб келган;

аудит қўмитасини ташкил этиш орқали замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-6096-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 18 январдаги 04/1-61-сон ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 5905/03-26-сон маълумотномалари). Натижада, корпоратив бошқарув тизимида назорат органини ташкил этилиши, замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этилиши, ташқи ва ички аудиторлик текширувлари сифатининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, олиб борилган илмий тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилганлик даражаси, олий таълим муассасасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий янгиликлари, амалий натижалари, амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилиниши, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Корпоратив бошқарув тизимида аудит ва аудиторлик ҳисоботини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, унда замонавий корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиши ва унинг назарий асослари, корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг аҳамияти ва вазифалари, ривожланаётган капитал бозорида аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш йўналишлари ҳамда аудиторлик ҳисоботининг муҳим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда жаҳон молия бозорига интеграциялашувни тезлаштириш ва капитал бозорини янада ривожлантириш мақсадида чуқур таркибий иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонуни, корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорининг қабул қилиниши Республикамизда аудиторлик фаолияти ҳуқуқий базасининг замонавий шакли яратилишига, аудиторлик хизматлари бозорининг янада ривожланишига, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши, халқаро стандартлар асосида фаолият юритиши натижасида иш сифатининг ошиши ва халқаро тармоққа аъзо бўлишига ҳамда аудиторларнинг профессионал билим ва малакаси ошишига хизмат қилади.


Корпоратив бошқарув тизимида аудит муҳим роль ўйнайди, чунки у молиявий маълумотларни тайёрловчилар (менежмент) ва ундан фойдаланувчилар (акциядорлар) ўртасидаги бўшлиқни тўлдиради.

Жаҳонда ўтган асрда юз берган корпоратив таназзулларнинг барчаси корпоратив бошқарув билан боғлиқ бўлиб, самарали корпоратив бошқарув

(назорат)нинг мавжуд эмаслиги бундай инқирозларга муқаррар олиб келишини кўрсатди. Шундан келиб чиққан ҳолда дастлаб замонавий корпоратив бошқарувнинг назорат функциясида аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган кўйидагича таърифи ишлаб чиқилди. *Корпоратив бошқарув* - мазкур тизимдаги бошқариш тузилмаси (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, аудит кўмитаси, аудиторлик ташкилоти ва ички аудит) иштирокчиларининг ўзаро самарали муносабатини, ташкилотларни бошқариш ва ахборот асимметриясини камайтиришга, раҳбарият томонидан молиявий ҳисоботларда жиддий хатоларга йўл қўймаслигига ҳамда турли томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган, мониторинг механизми ҳисобланган аудит орқали назорат қилиш тизими ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикамизда 599 та акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда. Шундан 527 та акциядорлик корхонаси, 32 та тижорат банки, 40 та суғурта ташкилоти фаолият юритмоқда¹¹. Жами 599 та акциядорлик жамиятларидан 146 таси листинг корхоналар¹² ҳисобланади.

Аудиторлик хизматлари бозорининг умумий тавсифига кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатида жами 99 та аудиторлик ташкилоти бўлиб, уларда жами 572 нафар аудитор хизмат кўрсатиб келмоқда (1-расм). Шундан 19 та маҳаллий аудиторлик ташкилоти йирик халқаро тармоқ ва ассоциациялар аъзоси ҳисобланади. Катта тўртлик (Big-4) халқаро аудиторлик ташкилотларининг шўба жамиятлари «Ernst&Young», «PricewaterhouseCoopers», «Deloitte and Touche» ва «KPMG» фаолият олиб бормоқда.



1-расм. Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони¹³

Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари бугунги кунда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сонига нисбатан кўпроқ ўсганлигини кўрсатади (2-расм).

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг 2021 йил 22 январь ҳолатига маълумотлари.

¹² «Тошкент» Республика Фонд Биржасининг 2021 йил 14 январь ҳолатига маълумотлари.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар реестрининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. * - ушбу жадваллардаги маълумотлар тегишли йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўрсатилган.



2-расм. Аудиторлик ташкилотлари даромадлари динамикаси ¹⁴

Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 4 мартаба ўсиб, 206 403 млн.сўмни ташкил этди.

Аудиторлик хизматлари ва капитал бозорида сўнгги 21 йил ичида катта ўзгаришлар рўй бергани ва қатор ислохотлар амалга оширилгани туфайли 2000 йилда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун¹⁵ ва бир қатор қонуности меъёрий ҳужжатлар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Замонавий талаблар ва аудитни тартибга солиш соҳасидаги текширилган халқаро амалиёт принципларига¹⁶ асосланган аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш, аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган қоида ва нормаларни ҳамда меъёрий ҳужжатларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унификациялаш ва тизимлаштириш мақсадида 2021 йил 25 февралда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹⁷ (кейинги ўринларда-Қонун) қабул қилинди.

Мазкур Қонунга илмий тадқиқот натижалари асосида янги норма ва тушунчалар, таърифлар ва принциплар киритилди ҳамда ёритиб берилди. Жумладан, *аудиторлик текшируви* тушунчаси Қонуннинг 32-моддасида қуйидагича ёритиб берилди. «Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг *аудиторлик текшируви* текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг *ишончлилигини* ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади». Қонунда молиявий ҳисобот маълумотларининг аниқлик даражаси – «*ишончlilik*» мезони билан ўлчаниб, унинг маъноси қуйидагича ёритилди. «*Ишончlilik* деганда молиявий ҳисобот

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик ташкилотлари тўғрисида 2015-2020 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги ЎРҚ-78-II-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.

¹⁶ Directive 2014/56/EU of the European Parliament and of the Council of 16 April 2014 amending Directive 2006/43/EC on statutory audits of annual accounts and consolidated accounts Text with EEA relevance, <https://eur-lex.europa.eu>; Межпарламентская Ассамблея государств – участников СНГ Модельный закон «О внутреннем аудите в организациях государственного сектора», от 16.04.2015 г. № 42-13. Межпарламентская Ассамблея государств – участников; Sarbanes-Oxley Act of 2002, Public Law 107–204, 107th Congress, USA.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.

маълумотларининг аниқлик даражаси тушунилиб, у ушбу ҳисобот асосида тадбиркорлик субъектининг молиявий аҳволи ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида холис хулосалар чиқариш имконини беради».

Аудиторлик фаолиятининг фундаментал принципи бу мустақиллик ҳисобланади. Шу мақсадда Қонуннинг 5-моддасида мустақиллик принципининг маъноси ёритиб берилди. «Аудитор тахминларга асосланиб фикр билдиришдан холи бўлиши ва ўзининг обрўсини туширадиган фактларга йўл қўймаслиги керак.

Аудиторлик ташкилоти мустақиллигига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, аудиторлик хизматлари кўрсатишни рад этиши керак».

Аудиторлик ташкилотларининг *ҳуқуқлари* батафсил ёритилиб, бунда хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилинган аудиторлик ташкилоти танловларида иштирок этишга, шунингдек танлов шартлари билан танишиб чиқиш ва ўз таклифларини тақдим этишга, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахсларидан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан, аудит қўмитасидан аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда қўшимча маълумотлар олиш ҳуқуқлари киритилди (28-модда).

Аудиторлик ташкилотлари *мажбуриятларини* кўриб чиқиш йўли билан аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилиб, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари тўғрисида ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқ тасдиқловчи фактлар ҳақида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятини ва корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахсларни, аудит қўмитасини ёзма шаклда хабардор қилиши мажбурияти киритилди (29-модда).

Аудиторлик ташкилотларининг янгича *турдош хизматлари* таркиби кенгайтирилди. Жумладан, бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш ҳамда молиявий ҳисобот тузиш, молиявий ахборотнинг ахборот хавфсизлиги бўйича ишлаб чиқилган таклифлар киритилди (33-модда). Шунингдек, Қонунга *мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказиш* бўйича янги нормалар киритилди. Ташкилотларнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишга қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда йўл қўйилади:

штатида камида кетма-кет уч йиллик узлуксиз иш стажига ёки халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудиторнинг мавжудлиги;

аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш натижаларига кўра, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари мавжуд эмаслиги (35-модда).

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини, аудиторлик ташкилотлари, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари ва ваколатли орган ўртасида ўзаро электрон ҳамкорликни таъминлаш учун

дастурий мажмуага зарурат вужудга келди. Тадқиқотнинг амалий натижаларига мувофиқ Қонунда назарда тутилган «Аудит» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиб келинмоқда. Мазкур дастурий мажмуада аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик текширувини ўтказганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. Аудиторлик текширувини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш ҳамда аудиторлик ташкилотларининг ваколатли орган билан алоқаларини электрон тарзда ташкил этиш айнан мазкур дастурий мажмуанинг мақсади ҳисобланади.

Глобал бозорнинг шиддат билан ўсиши ривожланишнинг тубдан янгиланган босқичига ўтди ва *аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га* зарурат туғилди. Бироқ, бугунги кунда аудитнинг халқаро стандартлари ҳуқуқий мақоми Қонун даражасида белгиланмаганлиги айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонунининг 9-моддасига¹⁸ аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари сифатида АХС киритилди. Унга мувофиқ Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, тахлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти стандартларидир.

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Ўзбекистон Республикасида эълон қилиш тўғрисидаги рухсатномаси асосида аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик фаолияти стандартлари асосида амалга оширилади.

Тадақиқотлар шуни кўрсатадики, *аудиторлик хулосаси* аудиторлик ташкилоти ва молиявий ҳисоботнинг охириги фойдаланувчиларини бирлаштиради ҳамда барча фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботни баҳолаш натижаларини акс эттирувчи аудиторлик фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини намоён этади. 700-сон АХСга¹⁹ мувофиқ аудиторлик ҳисоботи эмас, балки аудиторлик хулосаси тузилиши ҳамда ушбу хулоса таркибида фикр баён этилиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу тадақиқот ишида аудиторлик хулосаси тушунчасидан фойдаланилди ҳамда янги таҳрирдаги Қонуннинг 39-моддасига аудиторлик хулосасига ишончлилик мезонини киритиш орқали такомиллашган таъриф берилди. «Молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ёзма шаклда ифодаланган фикрини ўз ичига олган ҳужжат *аудиторлик хулосасидир*».

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.

¹⁹ ISA 700, Forming an opinion and reporting on financial statements, Volume I include the IAASB's, The International Federation of Accountants (IFAC), 2018.

Диссертациянинг «Корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг амалиётдаги ҳолати» деб номланган иккинчи бобида корпоратив бошқарув тизимида аудит ва ички аудит хизматининг амалиётдаги ҳолати ўрганилиб, замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит қўмитасини ташкил этиш асослари ва унинг янги вазибалари ҳамда корпоратив бошқарув тизимида самарали аудит ташкил этиш жараёнини эконометрик моделлаштириш орқали эмпирик факт тақдим этилган.

Тадиқот ишида акциядорлик корхоналари, шу жумладан листинг корхоналарнинг корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик ташкилоти даромадига таъсир этувчи ўзгарувчилар ўрганилди. Бунда акциядорлик корхоналарининг корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик ташкилоти даромади (AudDar) боғлиқли ўзгарувчи ҳисобланади. Мустақил ўзгарувчилар сифатида аудиторлик ташкилотининг (AUDTUR) ва аудиторлик хулосасининг (AUDXUL) тури, аудиторлик хулосасининг тақдим этиш муддати (кечкиши) (АХК), аудит қўмитасининг (АQM) ва ички аудит хизматининг (IAM) мавжудлиги, шунингдек, назорат омиллари (LISTING, АКТИВ, RENTABEL) ҳам корпоратив бошқарув тизимида аудитни самарали ташкил этишга таъсирининг эконометрик моделлаштириш орқали талқини келтирилган.

Таҳлил объекти сифатида акциядорлик корхоналари ва «Тошкент» Республика фонд биржасидан (UZSE) рўйхатдан ўтган листинг корхоналар орасидан 37 та акциядорлик корхонаси ва 41 та листинг корхона, жами 78 та корхона танланди. Регрессион моделда AudDar боғлиқли ўзгарувчиси ва мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликдан фойдаланилди (1-формула).

$$AudDar = \beta_0 + \beta_1(AUDTUR) + \beta_2(AUDXUL) + \beta_3(АХК) + \beta_4(AQMqonun \& haqiqat) + \beta_5(IAM) + \beta_6(LISTING) + \beta_7(AKTIV) + \beta_8(RENTABEL) + \varepsilon \quad (1)^{20}$$

Ўзбекистондаги акциядорлик корхоналарининг корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг таъсирини таснифловчи таҳлили қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Танланган акциядорлик корхоналарининг таснифловчи таҳлили²¹

Ўзгарувчилар	АК сони	Энг қуйи	Энг юқори	Ўртача	Меъёрий оғиш
Боғлиқли ўзгарувчи					
AudDar млн сўм		89,706	29 564	2 017	3 738
Мустақил ўзгарувчилар					
AUDTUR	78	0	1	0,04	0,194
AUDXUL	78	0	1	0,91	0,288
АХК (кун)	78	50	331	136,51	41,120
AQMqonun	78	0	1	0,47	0,503
AQMhaqiqat	78	0	1	0,06	0,247
IAM	78	0	1	0,74	0,439
LISTING	78	0	1	0,47	0,503
АКТИВ (млн сўм)	78	560	32 200 661	1 590 522	5 352 812
FOYDA/ZARAR (млн. сўм)	78	(3 020 090)	1 140 413	12 301	393 591
RENTABEL	78	(0,30)	0,67	0,09	0,15

²⁰ Тадиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²¹ Тадиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур тадқиқот ишида корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлган танланган акциядорлик корхоналарига аудиторлик хизматини кўрсатадиган аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (AudDar) энг куйи 89 705 минг сўм, энг юқориси эса 29 563 761 минг сўм, ўртача 2 017 389 минг сўмга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари хизмат кўрсатган. Аудиторлик ташкилоти даромадларига таъсир этувчи ўзгарувчиларнинг тавсифий таҳлилига мувофиқ, танланган 78 та акциядорлик корхоналарининг 2018 йил якуний молиявий ҳисоботи учун 91 фоизида «ижобий» аудиторлик хулосаси (AUDXUL) тақдим этилган бўлса, 9 фоизида қолган аудиторлик хулосаси, яъни изоҳлар билан салбий ва фикр билдиришни рад этиш билан тақдим этилган.

Таҳлил натижаларига мувофиқ танланган объектларнинг фақатгина 4 фоизида «катта тўртлик» аудиторлик ташкилоти (AUDTUR), қолган 96 фоиз ҳолатда маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизматларини кўрсатган. Қонунчилик талаби асосида акциядорлик корхоналарининг 47 фоизида аудит қўмитаси мавжуд бўлиши лозим бўлиб, таҳлиллар уларнинг фақатгина 6 фоизида аудит қўмитасининг мавжуд эканини кўрсатди. Мазкур корхоналар «Тошкент» Республика фонд биржасидан рўйхатдан ўтган (LISTING) бўлиб, корпоратив бошқарувга таъсир этиш даражаси энг асосий омиллардан бири сифатида ўрганилган. Корпоратив бошқарув тизимининг яна бир муҳим органи ҳисобланган ички аудит (IAM) хизмати танлаб олинган акциядорлик корхоналарининг 74 фоизида мазкур хизмат мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мазкур илмий ишнинг муҳим таҳлилларидан бири бу ўзгарувчиларнинг регрессион таҳлили ҳисобланади. Қуйидаги 2-жадвалда регрессион таҳлилнинг ҳисобот модели «аҳамиятли» ($p < 0,01$) ҳисобланади. Чунки мустақил ўзгарувчилардан тахмин қилинадиган боғлиқли ўзгарувчидаги дисперсиянинг нисбати (R^2) 26,2 фоизга ва тузатилган R^2 18 фоизга тенг, шунингдек F қиймати 3,063365 га тенг. Бу шуни англатадики, аудиторлик ташкилоти даромади ўзгарувчисининг 26,2 фоизини ушбу 8 та мустақил ўзгарувчилар тўплами ташкил этади, 73,8 фоизи мазкур ўзгарувчилардан ташқари бошқа омиллар билан изоҳланади. Бу танлама кўламининг 100 фоиз камраб олинмагани, яъни 599 та акциядорлик жамиятларидан 78 таси (13 фоиз) танлангани билан изоҳланади.

2-жадвал

Регрессион таҳлилнинг ҳисобот модели²²

Модел	R	R^2	Туза- тил- ган R^2	Кутилмада- ги стандарт хатолик	Статистикани ўзгариши		
					R^2 нинг ўзга- риши	F нинг ўзгариши	F аҳамият- лилик ўзгариши
1	0,512 ^a	0,262	0,177	1,03075	0,262	3,063365	0,005

a. Фаразлар: (Ўзгармас) RENTABEL, IAM, AUDXUL, LISTING, AQMHaqiqat, LgAHK, AUDTUR, AKTIV(LgAktiv)

²² Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур тадқиқот ишида $F < 5$ фоиз ($f = 0,005 < 1\%$) ва умумий олганда ташқи аудиторлик ташкилотини даромадлари боғлиқли ўзгарувчиси мустақил ўзгарувчиларга статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланиб, бу Ўзбекистондаги акциядорлик корхоналарининг корпоратив бошқарув тизимида ташқи аудитнинг даромадларини таҳлил қилишда ушбу модель аҳамиятли эканлигини англатади. Шунингдек, танланган ўзгарувчилардан ташқари яна бошқа ўзгарувчиларни ҳам қўшимча ўрганиш талаб этилади.


Регрессион таҳлил натижаларига кўра мазкур аҳамиятли боғлиқлик асосида аудиторлик ташкилотлари даромадларининг 2,5 баробарга ошиши корпоратив бошқарув тизимида аудиторлик фаолияти самарадорлигининг ошишини ҳамда тадқиқот ишида келтирилган фаразлар(гипотезалар)ни тасдиғини топган ёки топмаганини таҳлил қилиш мумкин. Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (LgAudDar) ва аудиторлик ташкилоти турлари (AUDTUR) ўртасида «тўғри» боғлиқлик ҳақидаги Φ_1 фараз ўз тасдиғини топди, яъни улар ўртасида боғлиқлик мавжуд. Φ_2 фаразда аудиторлик ташкилоти даромадлари (LgAudDar) ва аудиторлик хулосаси турлари (AUDXUL) ўртасидаги «тўғри» боғлиқлик ўз тасдиғини топмади. LgAudDar ва аудиторлик хулосасини топшириш муддатлари (LgAXK) ўртасида «тескари» боғлиқликка доир Φ_3 фараз «тўғри» статистик аҳамиятли боғлиқлик борлигини кўрсатмоқда. LgAudDar ва аудит қўмитасининг қонуний талаби асосида мавжудлиги ўртасида «тўғри» боғлиқликка доир Φ_4 фараз ўз тасдиғини топган ҳолда мазкур таҳлилда листинг корхоналар (LISTING) билан бир хил вектор ҳосил қилди. LgAudDar ва аудит қўмитасининг ҳақиқатда мавжудлиги ўртасида «тўғри» боғлиқликка доир фараз ҳам ўз тасдиғини топди. LgAudDar ва ички аудит хизматининг мавжудлиги (IAM) ўртасида «тескари» боғлиқлик (Φ_5 фараз) мавжуд. Φ_6 фаразда LgAudDar ва листинг корхонаси (LISTING) ўртасида «тўғри» боғлиқлик ўз тасдиғини топди. LgAudDar ва акциядорлик корхонаси активлар ҳажми (AKTIV) ўртасида «тўғри» статистик аҳамиятли боғлиқлик (Φ_7 фараз) бор. LgAudDar ва акциядорлик корхонаси активлари рентабеллиги (RENTABEL) ўртасида «тўғри» боғлиқликка доир Φ_8 фараз ўз тасдиғини топди.

Мазкур тадқиқот натижаларига мувофиқ Республикамиз акциядорлик жамиятларида аудит, аудит қўмитаси ва ички аудитнинг аҳамияти, ўрни ва бошқарувнинг бошқа органлари билан алоқасини намоён этадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини қуйидаги кўринишда таклиф этамиз (3-расм).

Республикамизда *ички аудитнинг* ҳуқуқий асослари такомиллашиб бораётган бир пайтда, унинг халқаро амалиётдаги тамойил ва вазифаларидан келиб чиқиб қатор таклиф ҳамда вазифалар ўртага ташланмоқда. Ички аудит давлат ва хусусий секторда корпоратив бошқарув мозаикасининг ажралмас қисмидир²³. Ички аудитнинг янги таърифи корпоратив бошқарувнинг

²³ Cohen, J., Krishnamoorthy, G., & Wright, A. M. Corporate governance and the audit process. Contemporary Accounting Research, 2002, 19(4), 573-594 p.

назорат функциясига қаратилган. Ички аудитнинг асосий принциплари асосида унинг янги (замонавий) вазифалари – киберхавфсизлик, маданият rischi/юмшоқ назорат, риск муҳитида кафолат (ишонч)ларни интеграллаш, инновацион технологияларни жорий этиш, стратегик ташаббусларни амалга ошириш ҳисобланади.



3-расм. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида аудитнинг ўрнини намоён этадиган корпоратив бошқарув тизими²⁴

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунидаги тафтиш комиссияси (тафтишчи)нинг вазифалари мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган вазифаларга мувофиқ келади. Шундан келиб чиққан ҳолда тафтиш комиссиясини тугатиш, унинг асосий вазифаларини ташқи аудитга, маълум бир вазифаларини аудит қўмитасига ўтказиш ҳамда аудит қўмитасининг вазифа ва функцияларини янгича тартибда белгилаб олиш лозим.

Аудит қўмитаси тафтиш комиссиясидан фарқ қилган ҳолда корхона учун кенг миқёсдаги корпоратив назорат вазифасини бажарувчи мустақил молиявий экспертлардан ташкил топган орган ҳисобланади. Қуйидаги 3-жадвалда амалдаги тафтиш комиссияси ва аудит қўмитасининг янгича тақлиф этилаётган маълум бир вазифалари таққосланган.

²⁴ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудит қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг вазифаларини таққослаш²⁵

Аудит қўмитаси	Тафтиш комиссияси
Ташқи аудит билан ўзаро муносабатлар	
аудиторлик ташкилотини тайинлаш; аудит хизмат ҳақи миқдорини белгилаш; аудиторлик ташкилоти ишини назорат қилиш	Ваколатига кирмайди
Ички аудитни назорат қилиш	
ички аудит вазифасини белгилаш; ички аудиторлар ўз вазифаларини бажаришлари учун уларнинг мустақиллигини ошириш ва таъминлаш	Ваколатига кирмайди
Бухгалтерия ва молиявий ҳисобот	
молиявий ҳисоботни тўлиқ назорат қилиш	жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш; бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини ўрганиш
Қонун ҳужжатларига мувофиқлик	
жамиятнинг маълумот ёритиб бериш жараёнини назорат қилиш, тегишли маҳаллий ва халқаро қонунчилик меъёрларга мувофиқлигини, қоидалар ҳамда ахлоқий меъёрлар ва принципларнинг бажарилишини, шунингдек қонун ҳужжатлари ва ички кўрсатмаларига риоя қилинишини таъминлаш	жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

Аудит қўмитаси аъзоларига қўйиладиган янги талаблардан бири – улар тўлиқ Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларидан иборат бўлиши лозим. Аудит қўмитасининг янги вазифалари ташқи аудиторлар билан ўзаро муносабатлар, ички назоратни ва ички аудитни мониторинг қилиш, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботдаги роли, маслаҳатчиларни ёллаш ваколати, шикоятларни кўриб чиқиш, қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришдан иборат.

Аудит қўмитасининг зарурати ва замонавий корпоратив бошқарув тизимидаги ўрни ҳамда вазифаларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг илмий натижаларига мувофиқ «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг²⁶ 3-моддасида аудит қўмитаси тушунчасига илк муаллифлик таърифи берилди. «Аудит қўмитаси – хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган, қоида тариқасида, камида бир нафар мустақил аъзони ўз ичига оладиган, молиявий ҳисоботни тузишнинг тўғрилиги устидан назорат ўрнатилиши, мустақил аудиторлик ташкилотининг танланиши, аудиторлик текшируви ўтказилиши жараёнларини кузатиш, шунингдек ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ҳамда ўрганиш учун масъул бўлган қўмита».

